

НУШУҚ

1-may,
chorshanba
19
(230)

YURIDIK GAZETA

May					
D	6	13	20	27	
S	7	14	21	28	
Ch	1	8	15	22	29
P	2	9	16	23	30
J	3	10	17	24	31
Sh	4	11	18	25	
Y	5	12	19	26	

2002

Gazeta 1997-yil 27-avgustdan chiqqa boshlagan

● ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРАТУРАСИДА

ЎЗГАРИШЛАР КЎП. КАМЧИЛИКЛАР ҲАМ ЙЎҚ ЭМАС

Яқинда Республика Бош прокуратурасида Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридоги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиянинг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Мажлисни комиссия раиси, республика Бош прокурори Р.Қодиров олиб борди. Йиғилишда Жиззах, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларидаги болалар махсус муассасаларида таълим, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий таъминот ҳақидаги қонунларнинг ижро этилиши ҳамда вояга етмаганлар орасида ҳуқуқбузарлик ва ижтимоий ҳаётнинг олдини олиш аҳволи муҳокама этилди.



Йиғилишда таъкидлаб ўтилганидек, мазкур вилоятларда муҳокама этилган масалалар бўйича эътиборга лойиқ ишлар амалга оширилган.

Жиззах вилоятида ёшларни миллий ҳунарларга ўқатиш ва касбга йўналтириш учун фермерлик ва кичик бизнес имкониятидан омилкорлик билан фойдаланилган.

Ўқувчилар учун ҳрқимият стипендиясининг таъсис этилиши мактабларда аълочи ва жамоат ишларида фаол қатнашадиган ўқувчилар сафининг кенгайтилишига ижобий таъсир кўрсатган.

Прокуратура ташаббуси билан ҳуқуқий билимларни тарғиб қилиш мақсадида яратилган «Ешлик—бебошлик» номли ҳужжатли фильм вояга етмаганлар муҳитида қону

нийликни мустаҳкамлашга сезиларли таъсир кўрсатган.

Ўқувчиларни спортга жалб қилиш мақсадида унинг оммавий ва миллий турларини ривожлантиришга эътибор қаратилган. «Умид» ҳоҳолари» мусобақаларида 300 миңдан зиёд ўқувчилар мактаблари шаънини ҳимоя қилишган.

Таълим тизими муаммоларини бартараф этиш борасида ЮНЕСКО, АКСЕЛС каби 9 та халқаро ташкилот билан самарали ҳамкорлик ўрнатилган.

Қашқадарё вилоятида «Меҳрибонлик уйи» битирувчиларини тураржой билан таъминлаш учун 40 млн. сўм сарфланиб, уларнинг ихтиёрига 20 хонадонли уй ажратилган. Ёшлар ўртасида «Баркамол авлод»

спорт мусобақалари ўтказилиб, Муборак шаҳрида болалар футбол мактаб-интернатига асос солинган.

Ноғиронлар таъминотини яхшилаш учун Германиянинг «ОТТОРОК» фирмаси билан ҳамкорликда протез-ортопедия маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи қўшма корхона филиали ишга туширилган.

Сурхондарё вилоятида таълим шартларини яхшилаш мақсадида моддий ва маънавий рағбатлантириш дастакларидан унулли фойдаланилиб, намунали мактаблар кўрик-танлови мунтазам ўтказилган.

Термиз шаҳрида «Алтомич» кураш мажмуасидан самарали фойдаланилиб, ёшлар спортнинг 8 тури бўйича мунтазам шугуллиниши, ўсмирлар кураш сирларини яқиндан

ўрганиши йўлга қўйилган.

Ёшларнинг тасвирий санъатга бўлган ҳизқишини ошириш, етакчи расом ва ҳайкалтарошлар ишларини тарғиб қилиш мақсадида Термиз шаҳрида расмлар галереяси ташкил этилиб, унда ёш ҳаваскор расомлар кўрик-танлови мунтазам ўтказилган.

Йиғилишда бу борада йўлга қўйилган камчиликлар, фойдаланилмаётган имкониятлар муҳокама қилиниб, комиссиялар фаолиятининг самарадорлигини ошириш бўйича тадбирлар белгилиб олинди. Муҳокама қилинган масалалар юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

Суратда: Йиғилишдан лавҳа. Д. ЮСУПОВ олган сурат

Чоршанбадан Чоршанбагача

24 апрель

Фарғона шаҳрида умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчиларининг «Умид ниҳоллари» республика спорт ўйинлари бошланди.

Пойтахтимиздаги «Интерконтинентал» меҳмонхонасида ТРАСЕКА ҳукуматларо комиссиясининг иккинчи конференцияси очилди.

25 апрель

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекгидроэнергоқурилиш» трестининг алоҳида ўрناق кўрсатган ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида» ги Фармони эълон қилинди.

Вазирлар Маҳкамасида 2002 йилнинг биринчи чорағида республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунларига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

Мажлисни Бош вазир ў. Султонов олиб борди.

26 апрель

Эрон Ислом Республикаси президенти Саййид Муҳаммад Ҳотамий расмий ташриф билан Ўзбекистонга келди.

Пойтахтимиздаги «Дўрмон» қароргоҳида Эрон президенти расмий кутиб олиш маросими бўлди. Қароргоҳда мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримов билан Эрон президенти Муҳаммад Ҳотамий ўртасида яккама-якка суҳбат бўлиб ўтди. Суҳбатда ўзаро муносабатларга оид масалаларнинг кенг қамровли муҳокамаси бўлиб ўтди.

Музокаралар якунида икки давлат раҳбарлари томонидан «Ўзбекистон Республикаси ва Эрон Ислом Республикаси президентлари ўртасидаги музокаралар юзасидан қўшма баёнот» имзоланди.

МУЗЕЙЛАР ФАОЛИЯТИГА БАҒИШЛАНДИ



Ўтган жума кuni Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида Идораларо мувофиқлаштирувчи кенгашнинг Маданият ишлари вазирлигига қарашли музейларда мулкнинг сақланишига қаратилган қонунлар ижроси юзасидан ўтказилган текширишлар натижалари муҳокамасига бағишланган мажлис бўлиб ўтди.

Мажлисда Маданият ишлари вазири Х. Жўраев, Молия вазири ўринбосари Ш. Абдуллаев, Бош прокуратуранинг бошқарма ва бўлим бошлиқлари, Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳар ҳамда вилоятлар прокурорлари ўринбосарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Маданият ишлари вазири, Тошкент шаҳар ҳамда вилоятлар маданият ишлари бошқармалари бошлиқлари, Ички ишлар вазирлиги масъул ходимлари ва бошқалар иштирок этдилар.

Йиғилишни Бош прокурор ўринбосари Пўлат Бобононов олиб борди. Умумий назорат бошқармаси бошлиғи Б.Шомирзаев Маданият ишлари вазирлигига қарашли музейларда мулкнинг сақланишига қаратилган қонунлар ижроси юзасидан ўтказилган текширишлар натижалари хусусида маъруза қилиб, деярли барча музейларнинг бинолари санъат асарларини тегишли тартибда сақлаш талабларига тўлиқ жавоб бермаслиги, электр энергияси таъминоти талаб даражасида эмаслиги, электр симлари эскириб, ёнгин чикариш хавфи туғилганлиги, ўт ўчириш мосламалари етишмаслиги, ноёб экспонатлар, айниқса тасвирий санъат асарларининг зах жойларда сақланаётганлиги каби қонунбузарликлар мавжудлиги тўғрисида гапирди.

Музокарада сўзга чиққанлар аждодларимиздан ме-

рос қолган асори-атиқаларни, ноёб санъат асарларини кўз қорачиғидай авайлаб-асраш, уларнинг келажак авлодларга етказилишини таъминлаш лозимлигини қайта-қайта таъкидлашиб, бу борада мавжуд бўлган бир қатор жиддий муаммоларни ҳал этиш йўллари хусусида ўз фикр-мулоҳазаларини баён этдилар.

Мажлисда Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 23 декабридаги «Республика музейлари фаолиятини яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида» ги қарориди Маданият ишлари вазирлиги зиммасига «Ўзбектуризм» миллий компанияси, «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси ва бошқа манфаатдор ташкилотлар ҳисобидан мамлакатимиз музейларида сақланаётган ноёб экспонатларни жаҳон миқёсида тарғиб этишга йўналтирилган реклама маҳсулотларини мунтазам ишлаб чиқаришни ташкил этиш масъулиятини юклатилган бўлишига қарамасдан, вазирлик ва мазкур компаниялар қайд этилган қарор талаблари ижросини таъминламаганликлари танқид қилинди ва юзага келган салбий ҳолатни бартараф этиш йўллари хусусида келишиб олинди.

Йўлдош ПАРДА,
«Хуқуқ» муҳбири,
Суратлар муаллифи В.Мисин.

МАШҒУЛОТЛАР БОШЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Қонунчиликни мустаҳкамлаш муаммолари ва прокурор-тергов ходимларининг малакасини ошириш марказида бир гуруҳ шахар ва туман прокурорларининг ёрдамчилари билан «Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги «Прокуратура тўғрисида» ги, «Судлар тўғрисида» ги ҳамда «Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида» ги Қонунлари аҳамияти ҳамда прокуратура органлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш вазифалари» мавзусида ўқув машғулотлари бошланди.

TV – АНОНС

«Қонун ҳимоясида» телегуруҳининг навбатдаги кўрсатуви эфирга тайёрланмоқда. Кўрсатув шу йил 7 май кuni Ўзбекистон телеканалининг 1-дастури орқали соат 18.35 да эфирга узатилади.

Моҳият

Шараф наслу

насаб билан эмас,
фазлу адаб билан
топилади.

«Муктафоти адабий» китобидан

HUQUQ

YURIDIK GAZETA

Ta'sischiilar:

O'zbekiston Respublikasi

Bosh prokuraturasi,

Toshkent shahar va

Toshkent viloyati

prokuraturalari,

«Qonun himoyasida» jurnali

Bosh muharrir:

Abduxoliq

ABDURAZZOQOV

Tahrir hay'ati:

Mels Naimov,

Dilshod Islomov

(Bosh muharrir o'rinbosari),

Jahongir SHAROFBOYEV

(mas'ul kotib),

Lola Shomurodova,

Muxtor Shodmonov.

Gazeta Davlat matbuot qo'mitasida №00150 raqam bilan ro'yxatga olingan. Nashr ko'rsatkichi - 231, 232.

Manzil: Toshkent shahri, akademik Yahyo G'ulomov ko'chasi, 66-uy.

Telefon: 133-82-34.

Reklama va e'lonlar:

133-82-34

E-mail: huquq@infonet.uz

Tahririyatga kelgan qo'lyozma va suratlar egalari qaytarilmaydi.

Mualliflarning fikrlari tahririyat fikridan farqlanishi mumkin. Gazetada bosilgan fakt va dalillar uchun muallif mas'ul.

Nashrimizdan ko'chirib bosilganda «Huquq»dan olinganligi ko'rsatilishi shart. Tijorat ahamiyatiga molik materiallar ** belgisi ostida chop etiladi.

Gazeta tahririyat kompyuter bazasida terildi va sahifalandi. «Huquq» original-maketi

Gazeta «Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshqaruvida ofset usulida A-3 formatda chop etildi. Korxonaning manzili: Toshkent shahri, Buyuk Turon ko'chasi, 41.

Buyurtma G - 3149
Nusxasi — 24,414

Bosmaxonaga topshirish vaqti 20.00

Bosmaxonaga topshirildi 19.00

Gazeta haftaning chorshanba kunlari chiqadi

Navbatchi muharrir:

H. NISHONOV

Navbatchi: F.MAMASHARIPOV

Sotuvda erkin narxda

1 2 3 4 5 6 7 8

● ОЛИЙ МАЖЛИСДА

Ўтган hafta Олий Мажлисининг Қонунчилик ва суд-хуқуқ масалалари кўмитасида тадбиркорлар ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлашга қаратилган қонунлар ижроси устидан Ўзбекистон Республикаси прокуратура органларининг назорати амалиёти билан боғлиқ масала юзасидан йиғилиш бўлиб ўтди. Йиғилишни ушбу кўмита раиси И.Собиров очди ва бошқариб борди.

Кун тартибидagi масала юзасидан Республика Бош прокуратурасининг умумий назорат бошқармаси бошлиғи Бахтиёр Шомирзаев маъруза қилди. Маърузада таъкидланганидек, кейинги икки йил ичида хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятида аниқланган қонунбузарлик ҳолатлари бўйича 278 та жиноят иши кўзга тилиб, қонунга хилоф равишда қабул қилинган ҳужжатлар юзасидан 586 та протест, қонунбузарликни бартараф этиш ваколатига эга бўлган идораларга 1641 та тақдимнома киритилган.

Тадбиркорларга жами 278,3 млн. сўмлик кредит маблағларини белгиланган тартибда олишда, деҳқон ва фермер хўжалиқларига 7072 гектар ер майдонлари ажратиб берилишида амалий ёрдам кўрсатилган.

Шу билан бирга прокуратура органларининг кичик ва ўрта бизнес субъектлари ҳамда деҳқон-фермер хўжалиқларини қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳуқуқларини ва қонуний манфаатларини таъминлашга қаратилган қонунлар ижроси юзасидан назорат фаолияти бугунги кун талабларига жавоб бермаётганлиги йиғилишда алоҳида қайд этиб ўтилди. Тадбиркор-

лар фаолиятини ноқонуний текшириш, уларнинг хўжалик фаолиятига асоссиз аралашиб, қонунбузарликларнинг олдини олиш юзасидан прокурорлик таъсир чоралари самарадорлигини ошириш лозим.

Солиқ ва банк идораларининг айрим раҳбар ходимлари тадбиркорларнинг қонуний манфаатларига жиддий зарар етказишган ҳолатлар ҳам учрамоқда. Банк муассасаларидан олинган кредитларнинг бошқа мақсадларда ишлатили-

лантиришга қаратилган қонунлар ижроси устидан прокурор назоратини кучайтириш, тадбиркорларни давлат рўйхатидан ўтказишда қонун талабларига қатъий риоя қилинишини таъминлаш, уларга ер майдонлари, кредит ресурслари ва бошқа моддий ашёлар ажратишдаги сансалорликларнинг олдини олиш, уларнинг хўжалик фаолиятига



ТАДБИРКОРЛАР МАНФААТИ ҚОНУН ҲИМОЯСИДА

лар фаолиятини ноқонуний текшириш, уларнинг хўжалик фаолиятига асоссиз аралашиб, қонунбузарликларнинг олдини олиш юзасидан прокурорлик таъсир чоралари самарадорлигини ошириш лозим.

Солиқ ва банк идораларининг айрим раҳбар ходимлари тадбиркорларнинг қонуний манфаатларига жиддий зарар етказишган ҳолатлар ҳам учрамоқда. Банк муассасаларидан олинган кредитларнинг бошқа мақсадларда ишлатили-

Сирдарё вилоятининг шаҳар ва туман ҳокимликлари 2001 йилда тадбиркорлар, деҳқон-фермер хўжалиқлари ва бошқа хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятига ноқонуний равишда аралашиб, 20 млн. сўм пул маблағлари турли жамоаларга муассислик ва ҳомийлик ёрдами сифатида ўтказиб берилган.

Шунингдек, йиғилишда кичик ва ўрта бизнес ҳамда деҳқон-фермер хўжалиқларини қўллаб-қувватлаш ва уларнинг фаолиятини ривож-

аралашмаган ҳолда прокурор назорати усулларида кенгрок фойдаланиш ва ҳар бир қонунбузарлик ҳолатларига тегишли баҳо бериб, прокурор таъсир чораларини қўллаш таъкидланди.

Йиғилишда кўрилган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

Суратда: йиғилишдан лавҳалар. А.Тўраев олган сурат. (Ўз мухбиримиз)

● САРҲИСОБ

ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАБ ОЛИНДИ

Ўтган hafta Тошкент шаҳар прокуратурасида кенгайтирилган ҳайъат мажлиси бўлиб ўтди. Унда Тошкент шаҳар прокуратураси органларининг қонунийликни мустаҳкамлаш, жиноятчиликка қарши курашни ташкил этиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги аҳволни ўрганиш натижалари ҳақида Республика Бош прокуратурасининг бўлими бошлиғи Н.Бобоевнинг ахбороти тингланди.

Ҳайъат мажлисида амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар белгиланиб олинди ва муҳокама қилинган масалалар юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

(Ўз мухбиримиз)

ЯКУН ЯСАЛДИ

Сирдарё вилоят прокуратурасида 2002 йил биринчи чораги якунларига бағишланган ҳайъат йиғилиши бўлиб ўтди.

Унда қонунчилик ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш, жиноятчиликка қарши кураш, унинг олдини олишга қаратилган қонунлар ижросини назорат қилиш борасида амалга оширилган ишлар кўриб чиқилди.

Кун тартибидagi масала юзасидан вилоят прокурорининг ўринбосари А. Шамсиқуловнинг маърузаси тингланди.

Мажлисида муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

● ТАШРИФ

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ ВАКИЛИ ХОРАЗМ ВОҲАСИДА

Яқинда Хоразм вилоят ҳокимлигида Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) С.Рашидова ҳамда Хоразм вилоят прокуратураси ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар, оммавий ахборот воситалари, сиёсий партиялар, касба уюшмалари, нодавлат ташкилотлари, жамғармалар раҳбарлари иштирокида кенгайтирилган йиғилиш бўлиб ўтди. Йиғилишни вилоят ҳокимининг ўринбосари Ш.Хўжаниёзова кириш сўзи билан очди. Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили С.Рашидова ташкилотнинг фаолияти ҳақида гапирди. Вилоятдан тушган хат, ариза ва шикоятларга атрофлича тўхталиб ва анжуман иштирокчиларининг саволларига жавоб қайтарди.

Шунингдек, С.Рашидова бошчилигидаги меҳмонлар Урганч Давлат дорилфунунида, Хива ва Урганч туманларида ҳам меҳнатқашлар билан учрашди.

(Ўз мухбиримиз)

● УЧАШУВ

ҲУҚУҚҚА ОИД МАСАЛАЛАР МУҲОКАМАСИ

ФАРҒОНАДА «Жинойи жазоларни либераллаштириш ва инсон манфаатлари» мавзусида илмий-амалий конференция бўлиб ўтди. Анжуманда вилоят прокуратураси ва ҳарбий прокуратуранинг прокурор тергов ходимлари, вилоят ички ишлар бошқармаси терговчилари, жиноят ишлари бўйича вилоят суди аъзолари, судьялари, ҳарбий суд раиси, судьялари ҳамда Фарғона Давлат университетининг ўқитувчилари, юридик факультети талабалари, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этдилар.

Анжуманда қонунчиликдаги ўзгаришларнинг аҳамиятлари ва истиқболлари, мавжуд муаммолар ва ҳуқуққа оид бошқа масалалар муҳокама этилди.

Анжумани Республика Бош прокурорининг ўринбосари А.Холмаҳматов олиб борди.

Унда Ўзбекистон Олий Мажлисининг қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари кўмитаси раиси ўринбосари А.Тўхташев, Тошкент Давлат юридик институти ректори М.Рустамбоев, Республика прокуратураси қонунчиликни мустаҳкамлаш ва прокурор-тергов ходимлар малакасини ошириш маркази директори Э.Абзалов, Олий суд судьяси Х.Ҳасанов, ИИБ бош тергов бошқармаси бошлиғи А.Шарофутдиновлар маъруза қилдилар.

Конференция ўзаро мулоқот, қизгин савол-жавоб тарзида ўтди.

М.ФОЗИЛОВ,
Фарғона вилояти прокурорининг
катта ёрдамчиси

● ФЕЛЪЕТОН

2001-2002 ўқув йили учун билим юртлигига талабалар қабул қилиш мавсуми аллақачон ўтиб кетган. Аммо, Термиз Давлат университетиде ана шу ҳолат билан боғлиқ можаролар ҳали-ҳануз давом этмоқда. Ноҳақликка учраган ота-онаю ўғил-қизларнинг арзи-додига асло бепарқ қараб бўлмайди.

Келинг, яхшиши аниқ далилларга мурожаат қилайлик.

Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига қабул бўйича Давлат комиссияси томонидан тасдиқланган тақсирмотда ўтган йили Термиз Давлат университетининг сиртки бўлимига тўлов-контракт асосида 90 нафар талаба қабул қилиниши белгиланган. Бирок университет ректори вазифасини бажарувчи, қабул комиссияси раиси Ч.Саидов ва масъул котиби Х.Зокиров томонидан ушбу меъёрий талабга менсимасдан қаралган, 142 нафар абитуриент талабалар сафига қабул қилинган. Майли, бу «эркатой»ликни ҳам қўя турайлик. Энг ёмони, қабул чоғида адолат мезони қўпол равишда бузилган. Фикримизнинг тасдиғи сифатида мисоллар келтирамиз:

Баҳодир Ортиқов иқтисодиёт факультетининг сиртки бўлимига ўқишга кириш учун ҳужжат топшириб, тест синовларида 98,8 балл тўплашга муваффақ бўлади. Аммо бу курсаткич давлат гранти асосида ўқиши учун етарли эмас эди. Шу боис у ректор жанобларига «Тўлов-контракт асосида ўқишга имкониятнинг етади. Шунини инобатга олиб, мени шартнома асосида ўқишга қабул қилишинингизни сўрайман» мазмундаги ариза билан мурожаат қилади. Унга Чорихон Султонович «Бўш вақант жойлар ҳисобидан» деб ёзиб, жимжимдор имзо чекади. Шундан сўнг абитуриент тегишли шартномага кўра 2001 йил 15 октябрь кунини белгиланган миқдорда пул тўлайди. Ва талаба бўлдим, деган ўй билан қувониб юраверади. Афсуски, унинг ширин хаёллари пучга чиқди.

Университетнинг сиртки бўлимига юқорида айтиб ўтилган ўқув шакли бўйича талабалар қабул қилиш тўғрисидаги сўнгги буйруқлар 2001 йил 8 ноябрь ва 16 ноябрь кунлари (145-СБ/С, 148-СБ/С рақамлари билан) чиқарилган. Ва иқтисодиёт мутахассислиги бўйича ҳам бир

нечта абитуриент ўқишга қабул қилинган. Жумладан, улар сафида тест синовларида 82,4 ва 91,3 балл тўлаган Бахтиёр Норқулов ҳамда Шерзод Шаймановлар ҳам бор бўлса-да, 98,8 балл олган Баҳодир Ортиқовнинг исми-шарифи йўқ эди.

У ҳамон ректор жаноблари ҳузурига қатнагани-қатнаган. Афсуски, энди бундан наф йўқ.

асосида талабалар қабул қилиш борасидаги найранглар олдида ҳеч гап эмас. Қуйидаги далиллар-ни тарозига қўйиб кўрсангиз, бунга ўзингиз ҳам ишонч ҳосил қиласиз.

Нодира Сафарова иқтисодиёт факультетига ҳужжат топшириб, синовларда 117,2 балл тўлаган. Тест маркази орқали тўлов-контрактга кирган. Тузилган ўзаро шартнома асосида тегишли миқдорда пул тўлаган. «Лекин ҳозирги кунга қадар қизимни талабалар сафига қабул қилиш ҳақида буйруқ чиқарилмаган, — деб ёзган абитуриентнинг отаси Нурмамет Сафаров ўз тушунтириш хатида. — Ректор Чори Саидов мени алдагани-алдаган — эрта келинг-индин келинг... Оворагарчилик саккиз ойдан буён давом этапти. Оиламда тинчлик йўқ. Бундай вижордиси инсонлар-

НАЙРАНГ

ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ РЕКТОРИ ВАЗИФАСИНИ БАЖАРУВЧИ,
ҚАБУЛ КОМИССИЯСИ РАИСИ Ч.САИДОВ ВА МАЗКҲУР КОМИССИЯ МАСЪУЛ КОТИБИ
Х.ЗОКИРОВ ТОМОНИДАН ЎҚИШГА ТАЛАБАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИШ
ЖАРАИИДА ЙЎЛ ҚЎЙИЛГАН АДОЛАТСИЗЛИКЛАР ҲУСУСИДА

Начора, осмон йироқ — ер қаттиқ. Ўзбек филологияси (сиртки бўлим) факультетига кириш учун тест синовларида қатнашиб, 68,6 балл тўлаган Умида Турсунованинг ҳам фиғони кўкка ўрлайди. У ҳам тўлов-контракт асосида ўқиш истагини билдириб, топширган аризасидаги «Бўш вақант жойлар ҳисобидан» деган ёзувга ишониб, ўзаро шартнома тузади. Зарур миқдордаги пулни ўз вақтида тўлайди. Бирок ҳозирга қадар талабалар сафига қўшилмай хуноб бўлиб юрибди. Ваҳоланки, ҳатто 50,3 балл тўлаган Нодира Бекмуродова ва 46,6 балл тўлаган Хуснида Абдурашидова каби кўплаб ундан паст кўрсаткичга эга абитуриентлар ҳам ўқишга қабул қилинганлар.

Очигини айтиш керак. Бу адолатсизликлар университетнинг кундузги бўлимига тўлов-контракт

га ҳам жазо бормикан?» Иқтисодиёт факультети кундузги бўлимига тўлов-контракт асосида 48 нафар талаба ўқишга қабул қилинган (Яна бир бор эслатиб ўтамиз: ўқишга талабалар қабул қилиш тўғрисидаги охириги буйруқ 16 ноябрда чиқарилган). Шундан 42 нафари тўлаган балл Н.Сафарованинг балидан кам. Кўпчилигининг бали етмиш-саксон атрофида.

Баҳриддин Нормуродов молия ихтисослиги бўйича тестда қатнашиб, 78 балл тўлаган. Маркетинг бўлими томонидан берилган шартнома варақасига кўра 2001 йилнинг 5 октябрь куниниёқ контракт пулини тўлаган. Лекин унинг исми-шарифи абитуриентларни ўқишга қабул қилиш ҳақидаги буйруқларга киритилмаган. Ваҳоланки, 57,6 балл тўлаган Шерзод Худойку-

● ТАШАБУС

ИШ ЎРИНЛАРИ ЯРМАРКАСИ

ЎТган йилларда сурункали тарзда давом этиб келаётган сув тақчиллиги Орлобўйи худудиде яшовчи аҳолини меҳнат билан банд қилиш борасида муайян муаммоларни келтириб чиқаргани сир эмас. Айнқиса, Қораўзақ туманида бу эҳтиёж янада яққолроқ сезилмоқда.

Халқимизда «Кўлдан қуён қочиб қутулмас», деган ҳикматли ибора бор. Бир ёқадан бош чиқариб ҳаракат қилинса, иш ўринлари барпо этишда ҳам силжишга эришса бўлар экан. Яқинда прокуратура миз туман меҳнат бўлими билан биргаликда бўш иш ўринлари ярмаркаси ўтказди. Ярмарканинг ўзига хос жиҳати шу бўлдики, ярмаркадан олдин меҳнат жамоалари, юридик шахслар орасида «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги Қонунини тарғиб қилишни кўчайтирдик. Бунга қасаб уюшмалари, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг туман бўлими, бошқа жамоат ташкилотлари жалб қилинди.

Бўш иш ўринлари ярмаркасида 86 нафар фуқаро иш билан таъминланди. Бандлик масаласини фақат бўш иш ўринлари ярмаркасидагина эмас, доимий ҳал қилиш чораларини кўрмоқдамиз. Эеро, бу иш қўлбал оилаларнинг иқтисодий аҳолини яхшилаш билан бирга аҳоли ўртасида ҳуқуқбузарликнинг олдини олишда ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Мақсуд МАТКАРИМОВ,
Қораўзақ туман прокурори

Халқ очликка, йўқчиликка, ҳамма нарсага чидаши мумкин, аммо адолатсизликка чидай олмайди.

Ислон КАРИМОВ

лов ва Раъно Чоршаева каби абитуриентлар бугунги кунда талабалар сафига яйраб-яшнаб ўқиб юришибди.

Дилноза Исмадиярова 85 балл олган. Тўлов-контракт асосида ўқишга розилик бериб, шартнома пулини ўз вақтида тўлаган. Талаба сифатида пахта йигим-теримида қатнашган. Аммо тегишли буйруққа унинг номи киритилмаган.

— Шу сабабли қизимизни домлалар дарсдан чиқариб ҳайдагани — ҳайдаган, — дейди абитуриентнинг отаси Қурбон Исмадияров алам билан. — Саккиз ойдан буён Музработ-Термиз орасида қатнаш билан

ҳуқуқини қўлга киритган абитуриентлар орасида энг юқори балл олишга муяссар бўлишган. Контракт пулини ўз вақтида тўлашган. Пахта йигим-теримида фаол иштирок этишган. Ачинарли томони шундаки, айнан ушбу абитуриентлар талабалikka қабул қилинмаган. Аксинча, ўқишга қабул қилинганлар орасида тест синовларида 50 балл ҳам ололмаганлар анчагина. Фақат бизга маълум бундай жабрланган абитуриентлар сони олтимишдан ошади. Хўш, уларнинг ҳақ-ҳуқуқлари, инсоний қадр-қимматлари оёқ ости қилингани учун ким жавоб беради?!

Яна бир таажжубланарли ҳолат. Шахсан Ч.Саидовнинг талаби билан университет илмий кенгашида 2001-2002 ўқув йилидаги қабул мавсуми «намунали» деб баҳоланган. Ҳатто Х.Зокиров икки ойлик иш ҳақи миқдорида мукофот билан тақдирланиши ҳам эълон қилинган. Аслида-чи?

Аслида ўтган йилги қабул жараиинида университет ректори вазифасини бажарувчи Чорихон Султонович ва қабул комиссияси масъул котиби Холмат Хуррамович томонидан адолат мезони қўпол равишда бузилгани очик-ойдин кўриниб турибди-ку! Улар тутган бу йўл «Таълим тўғрисида»ги Қонун ва «Кадрлар тайёрлаш миллий Дастури» талабларига, яъни давлат, қолаверса халқаро стандартлар талабига жавоб берадиган, рақобатбардош кадрлар тайёрлаш сиёсатида батамом зид эмасми? Ахир, бу аҳволда иқтисодорли, билимли ёшларнинг тақдири, жамиятимизнинг эртанги кунини бўлади?

Қонун устуворлигини таъминлаш учун кураш кетаётган бир пайтда Ч.Саидов ва Х.Зокировнинг бундай номақбул хатти-ҳаракатини қандай баҳолаш мумкин? Нега улар илгма чанқоқ ёшларнинг кўрагидан итариб, илсбатан билим-савияси паст абитуриентларнинг бошини силади? Бунда не сир-синоат бор?!

Умид қиламизки, вақти-соати келиб, бу жумбоқ ўз ечимини топади.

Қурбон ЖўРАНАЗАРОВ,
«Ҳуқуқнинг маҳсус муҳбири

ОРЗУЛАР ҚАНОТИДА

Жўш — Қўшрабод туманининг сўлим қишлоқларидан бири. Қишлоқ элдан олқиш олган, ер билан тиллашган бободехонлар, сурувидан барака топган қорвадорлар, қўллаб зиёлиларни воёга етказган мўқаддас замин. Ана шу кутлуг маскандаги Зоир акалар хонадонини ҳамма ҳурмат билан тилга олади.

Аҳмад хонадоннинг учинчи фарзанди. Оддийлик, камтарликдан олқиш олган олган Зоир ака ва ҳокисоргина Саломат ая фарзандларини кўпдан кам қилишмади.

Уларни оқ ювиб, оқ тараб, одамларга, Ватанга, яхшиларга меҳр кўрсатиб яшашга ўргатишди. Аҳмад тиришқоқлиги билан тенгқурлари орасида ажралиб турарди. У ёшлигида ноқ отасига, волидаи мухтарамасига таянч бўлди. 1971 йилда қишлоқ кенгашида иш юритувчи бўлиб иш бошлади.

— Отамнинг умри далада ўтди. Тонг оқармай ишга отланиб ярим тунда уйга қайтарди. У киши жуда камтар инсон эди. Ҳақиқатнинг кўзига тик қарашни ёқтирарди, — дейди Аҳмад Тоғаев. — Мен ҳаётимни ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари фаолияти билан боғламоқчи эканлигимни отамга айтганимда шундай деди: «Қалбинг буюрган, ақлинг танлаган йўл — энг тўғри йўл. Унутма, ҳар қандай шароитда ҳам сен ҳақиқат, адолатни ихтиёр эт».

Бу оддий ҳаётий фалсафа йиллар давомида Аҳмаднинг хотирасида сақланиб қолди. Ота рози, дейдилар. Балки шунда Аҳмад Тоғаев қалбида ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларида ҳақиқат, адолатни шор этиб, халқ хизматида бўлиш орзуси туғилган бўлса ажаб эмас.

1972 йилда Тошкент шаҳар ички ишлар бўлимига милиционер бўлиб ишга кирган Аҳмад ўзини ҳар лаҳзада жасоратга шайлаб борди. Билими, касб маҳоратини ошириш борасида изланишни ўз олдига мақсад қилиб қўйди.

Йигитлик бурчини ўтаб қайтган Аҳмад Тоғаев ҳаётнинг илк синовларини ортада қолдирган эди. Талабалик йиллари, синовлар, дўстлар орттириш... Ва ниҳоят Аҳмад ТўшДУ (ЎзМУ)нинг ҳуқуқшунослик факультетини муваффақиятли тугатди.

МҮМИН КИШИНИНГ НИЯТИ

Умри беҳиз оқар сувга ўхшатишмайди. Йиллар ҳам елдек ўтиб кетди. Ўйлангани кўлга олган Аҳмад «Қай-дасан, Хоразм», дея воҳага йўл олди. У Урганч туман прокурорининг ёрдамчиси сифатида катта ҳаёт йўлига қадам қўйди.

Ундаги меҳнатсеварлик, қатъийлик, узокни кўра билишлик қобилияти вилоят прокурорининг назаридан четда қолмади.

— Тиришқоқ йигитга ўхшайсан. Сен ҳақингда эшитиб юрибман. Сендан умидимиз катта. Вилоят прокуратураси аппаратида ишлаб нимага қодирлигини кўрсатиш фурсати етди, назаримда. Иктидор ва қобилиятинг, салоҳиятинг қай даражадалигини вақт кўрсатади. Шунини унутмаки, сен мансабни эмас, мансаб сени изласин. Яхши ниёсат, ярим давлат дейдилар-ку» деган эди ўша пайтдаги Хоразм вилояти прокурори, марҳум Юсуф ака Раҳмонов.

Аҳмад Тоғаев устозининг ўғитини ҳаёти ва фаолияти дастуриламали сифатида қадрлади. 1984-1999 йиллар давомида прокуратура идораларида тергов бўлими прокурори, вилоят прокурорининг ёрдамчиси вазифаларида меҳнат қилди.

У қаерда ишламасин, бурчга садоқат, инсонийлик тушунчаларига таяниб кўпнинг ҳурматида сазовор бўлди.

Умрининг 15 йилини Хоразм вилоятида қонунчиликни мустаҳкамлаш, жиноятчиликнинг олдини олиш ва унга қарши курашдек муҳим ва масъулиятли фаолиятга бағишлади.

Аҳмад Тоғаев 1999 йилнинг март ойи-да узок йиллар ўзи, оиласи учун қадрли бўлиб қолган Хоразмдан Бухорога келди: у Қоровулбозор

дардини тинглашга ҳам, мактаб ўқувчиси орзу-интилишларига қизиқишга ҳам вақт топа олади.

— Аҳмад Тоғаев мактабларда ўтказилган ҳуқуқшунослик дарсларида иштирок этади. Уларнинг муаммолари, мақсадлари, бўш вақтларини қандай ўтаётганилиги билан қизиқади. Оддий халққа яқинлик прокурорнинг эл

Халқнинг дунёқараши, онги ўзгарди. Энди улар ўз ҳақ-ҳуқуқларини, эркинликларини яхши англаб етати. Прокуратура эшикларини оддий халқ учун ҳафтанинг белгиланган кунда эмас, аксинча ҳар кун очиб. Ўртбошимиз эътирофлари билан айтганда, «Бугун бизнинг ҳуқуқий доктринамиз мутлақо янги, демократик тамойилларга асосланган. У энг аввало, Ўзбекистон Конституцияси талабларига кўра, инсон ҳуқуқларининг устуворлигини таъминлайди. Инсон ҳимоянинг бош субъекти»дир.

Ҳуқуқий демократик давлат сари дадил одимлаётган Ўзбекистон дунёга юз тутмоқда. Бу борада инсонпарвар, адолат тамойилларига асосланган қонун устуворлигини таъминлашдек буюк мақсаднинг амалга ошириши ҳаётий эҳтиёжга айланмоқда. Аҳмад Тоғаев сингари фидойи, бурчга, касбига садоқатли, ҳалол инсонлар прокуратура идораларида ишлар экан, жамиятимизда қонунчиликни мустаҳкамлаш, жиноятчиликнинг олдини олиш ва унга қарши кураш, қонунлар ижросини таъминлаш ишлари уларнинг қалб амрига айланиб бораверади.

ХУШХАБАР

Меҳнатинг қадри топса,

ҳаётда нимагадир эришганинг, одамларга нафинг тегиб яшаётганингни дилдан ҳис қилиб турасан, киши. Аҳмад Тоғаев ҳам шу кунларда айнан шундай илқ туйғулор оғушида. Чунки Тошкентдан бир хушхабар келди.

Қоровулбозор туман прокурори Аҳмад Тоғаев Бош прокурорнинг 2002 йил 28 мартдаги буйруғи билан «Ўзбекистон Республикаси прокуратурасининг фахрий ходими» нишони билан тақдирланди.

Хушхабарнинг қаноти бор, дейишди. Уни ёру дўстлари, оила аъзолари, ҳамкасблари ярим асрилик тўйи ва мукофот билан қутлашмоқда.

Аҳмад Тоғаев том маънода бахтли инсон. Аҳли аёли Мамлакатхон — уй бекаси. Қизлари Дилафрўз ва Мадинахон ота изидан бориб ҳуқуқшунос бўлишди. Ўғли Аброржон Бухоро озиқ-овқат ва енгил санат технологияси институтининг толиби. Ҳаётининг умид гулчалари — шириндан-шакар неваралари бор. Бахт деб шуни айтсалар керак-да.

...Қоровулбозордан қайтаяпмиз. Қум барханлари ўртасидан ўтган йўл гўё дунё кенгликларига туташ, келажакка элтувчи нурли ҳаёт чизигидек... Бу йилги баҳор серёғири келди. Ямий водийларни эслатувчи ҳадсиз бепоён чўл яшиллик оламига бурканиб олган.


Гийҳлар, юлғунлар, чўгдек қипқизил лолақизгалдоқлар кишини бу табарруқ заминни зиёрат қилишга чорлаётгандек, жасоратга, эзуликка ундаётгандек...

Само узра қушлар чарх уради. Кечалари юлдузлар чаманига қараб тўймайсан. Табиат чиройи кишини мафтун этади. Тунлари осойишта, тонглири бегубор замин эзгу орзулар оғушида эканлигини ҳис қиласан. Яхшиларга ҳамроҳ, эзуликка эш бўлиб яшар экансан, ортингда қолаётган излар кутлуг бўлади.

Қоровулбозорни мамлакатимиздагина эмас, балки МДҲ ва хоризг давлатларида ҳам алоҳида эътибор билан тилга олишди. 21 миллатга мансуб қарийб 14 минг аҳоли истиқомат қилаётган туманда кечган ҳар бир кун жасорат.

У ерда чўнг иродали, қатъиятли, фидойи инсонларгина ҳаёт кечириди, ишлайди, гўзаллик яратди... Аҳмад Тоғаев ана шулардан бири.

Валижон ЮСУПОВ,
журналист.
Бухоро вилояти

● ПРОКУРАТУРАНИНГ ФАХРИЙ ХОДИМЛАРИ**ҚУТЛУГ ИЗЛАР**

(ОЧЕРК)

Яшаш бу кураш демакдир. Нафақат тириклик учун, балки ҳаётни яхшилаш, покиза ва қутлуг излар қолдириш, ўзини англаш учун ҳам курашдир. Шунинг учун ҳам «инсон» бизнинг наздимизда курашувчидир. Фақат интилиб, изланиб, ташаббус кўрсатиб курашаётган чоғида яшаётганини сезадиган, ҳаёт қийинчиликлари, ғам-ташвишлари олдида довдираб қолмайдиган инсон ана шу курашдан сурур топиб яшайди.

тумани прокурори вазифасига тайинланган эди.

ФУРСАТ ФАНИМАТДИР...

Замонавий лойиха асосида қад кўтарган прокуратура биносида барча қулайликлар мавжуд. Прокуратура биноси атрофидаги гулзор мувазор боғни кўриб ҳайратингиз ошади. Табиатнинг мўъжизакор, фусункор ижодида, инсоннинг бунёдкор қўлларига тан берасиз.

— Бу адоқсиз чўлларда тахмин 100 йиллардан буён одамлар яшаб келишган. Туман номи билан боғлиқ ривоятлар кўп. Аммо менинг назаримда ҳозир сизга ҳикоя қилиб бермоқчи бўлган ривоятим ҳақиқатга яқинроқдир: — Бухоро амирлиги пойтахтига кириш учун бошқа мамлакатлардан келаётган савдо қарвонлари Бузачи ҳамда Қоровулбозор сардобалари атрофидаги қарвонсаройларга келиб тушган, Бухоро шаҳрига кириш учун рухсатнома олишлари зарур бўлган, — ҳикоя қилади Аҳмад Тоғаев. — Амирликдан тайинланган махсус вакиллар савдо қарвони ва ундаги молларни алоҳида текширувдан ўтказгандан сўнг белгиланган талабларга жавоб берадиган савдогарларга шаҳарга киришга рухсат беришган. Рухсатнома ололмаган савдогарлар эса молларини шу ердаги бозорда сотувга чиқарган ва ўз юртига жўнаб кетган.

Қоровултепа атрофидаги бозор туфайли бу худуд Қоровулбозор деб аталган. Қаранг, ҳатто ўша даврларда ҳам қонун устуворлигини таъминлаш қатъий тартиб асосида амалга оширилган. «Сахродаги мўъжиза» китобини ўқиб, туман тарихи ҳақида анча нарса билиб олдим.

Прокурор хонасида ўтириб ишлашга ҳам, воқеа содир бўлган жойга чиқишга ҳам, ишчи-хизматчилар билан юзма-юз мулоқотга ҳам, тадбиркор

орасида алоҳида ҳурмат билан тилга олинишига сабабдир, — дейди тумандаги 7-мактаб директори Рустам Тошев. — Уни халқ таълими фидойиси, дейишди.

Бу сўзларни яқинда Қоровулбозорда бўлган учрашув чоғида эшитган эдик.

Айтишларича, ўтмишда бир киши донишмандга: «Одамларнинг келди-кетдиси жонимга тегиб, адолат талаб қилиб келувчилардан безор бўлдим», деган. Донишманд эса унга шундай жавоб беради: «Иzzат тўшагини тарк этиб, мансаб курсисини бўшат! Сенга сўз бериб айтаманки, шундан сўнг сенга ҳеч ким озор бермайди. Адолат талаб қилувчиларнинг оёғи тийилади!»

*Ихтиёри бўлган киши олдида,
Беихтиёр оқиб келади одам,
Ихтиёри кетгач, унинг қўлидан,
Келмас ҳеч кимнинг олдида бир дам.*

Аҳмад Тоғаев адолат, ҳақиқат йўлида унинг кўмағига муҳтож бўлган ҳар бир фуқародан ёрдамини аямайдиган феъли кенг, кўнгли покиза, самимий инсон.

КАДР

Фикрлар ранг-баранглиги, билмаганини сўраб олиш, халқ дарди билан яшаш, янгилик сари интилиш устозлардан ўрганиб, ёшларга сабоқ бериш унинг қон-қонига сингиб кетган. Дарвоқе, бугунги кунда Ҳазорасп тумани прокурори К. Жабборов, Бухоро вилоят прокуратурасининг бўлими прокурори Т. Қобилов, Тўқимачилик туман прокурори ёрдамчиси Н. Насриддиновлар қисқа муддат ичيدا камтарин, талабчан устозларидан кўп нарса ўрганганларини эътироф этишди.

Устоз сифатида қадри топиш осон эмас. Кимларда мана шундай эътиборга муяссар бўла олади. Кимларгадир устозлик қилиш қалбида армонга айланади.

«ХУКУК»ий маслаҳатхона

САВОМЛАРГА ХУҚУҚШУНОС Д. ХАЛИЛОВ ЖАВОБ БЕРДИ

Мен 1975 йилдан буён ҳайдовчи бўлиб ишлаб келаман. 1994 йилдан мен ҳайдайдиغان «КомАЗ-551» автомашинаси тобора эскириб бораётганлиги сабабли тез-тез бузиладиган бўлиб қолди. Уни нормал юритиш ва корхонага нафти тегиши учун ўз ёнимдан харажат қилиб, таъмирлаб келаман. Аслида автомашина хизматини ўтаб бўлган.

Автомашинани юргизиш учун қилган харажатларини қим тўлаб беради?

А.НУРИДИНОВ,
Беруний тумани.

Иш берувчининг розилиги билан ва унинг маффаатлари йўлда мажкур корхона, муассаса, ташкилот балансидаги транспорт воситасидан фойдаланиб келинганда транспорт воситасининг амортизацияси ва ундан фойдаланиш давомида қилинган харажатлар иш берувчи томонидан тўлаб берилиши шарт. Иш берувчи томонидан ушбу харажатлар ихтиёрий равишда тўланмаган тақдирда, харажатларни тасдиқловчи ҳужжатлар асосида суд орқали ундириш лозим. Бундай ҳолатлар келиб чиққанининг олдини олиш ва унинг қонунийлигини таъминлаш учун иш берувчи билан олдиндан ёзма равишда келишув шартномаси расмийлаштириб қўйилса мақсадга мувофиқ бўлади.

Эрим йўқнинг жезон уруши қатнашчиси эди, шу сабабли ер, мол-мулк солиғини тўламадим. У 1978 йили вафот этди. 2001 йилга қадар ҳам тўлаганим йўқ. Бокучисини йўқотганлик пенсиясини олмаган, газ, электр кабилардан 50 фоизга илтифозлар бор. Ушим эса айнанайтдан қаровга муҳтож бўлиб қолганман. Қизим ҳам эридан ажрашган, 3 нафар вожа етмаган фарзанди билан меникида туради. Сизларга ёзишимдан мақсад, менга ер, мол солиғи тўлашим тўғрисида 2001 йилга 3475 сўм, 2002 йилга 1475 сўм қўйишни бериши. Нега шунча йил ўтиб энди тўлашни керак? Тўластикла ҳақлимани?

О.ТўРАҚУЛОВА,
Самарқанд вилояти
Пахтачи тумани

Солиқ кодексидан белгиланган қондаги мувофиқ, сиз ер ва мулк солиғидан озод этилмайсиз. Фақат турмуш ўрғини тўлаш билан имтиёзга эга бўлган ва у вафот этгани билан сизга бокучисини йўқотганлик пенсиясини таъинлашни ер, мулк солиғидан озод этиш имтиёзини келтириб чиқармайди. Фарзандлигининг вожа етмаган фарзандлари билан сизникида туриши ҳам бирон бир имтиёз бермайди.

39-модда. Ҳар ким қариганда, меҳнат лаёқатини йўқотганда, шунингдек, бокувчисидан мажкур бўлганда ва қонунида назарда тутилган бошқа ҳолларда ижтимоий таъминот олиш ҳуқуқига эга.

Пенсиялар, нафақалар, ижтимоий ёрдам бошқа турларнинг миқдори расман белгиланган бўлишига қўйилган тегишлик учун зарур энг кам миқдордан оз бўлиши мумкин эмас.

Ўзбекистон Республикасининг
Конституциясидан

Қорақалпоғистон Республикаси Беруний «Ёггар» ОХЖ нахша чигитидан ўсимлик лойи ишлаб чиқаради. Истеъмолчиларга маҳсулот тақсими тоза юқори турувчи ташкилот томонидан белгиланган нарядлар асосида амалда оширилади. Лекин нарядлар кварталлар бўйича қилинади, шунинг учун ўсимлик лойининг бир йиллик ҳажми шартнома тузиш вақтида аниқ бўлмайди. Шундан келиб чиқиб бир неча савал туғилаётти: маҳсулот олувчи билан шартнома тузишда қанча миқдордаги маҳсулотни кўрсатиш керак? Шартнома тузишда маҳсулот миқдорини кўрсатмасдан, «бу миқдор нарядлар асосида белгиланади» деган эслатмани киритиши мумкинми? Маҳсулот миқдорини аниқлашда «тақсими» деган терминини ишлатса бўладими? Ёки ҳар бир алоҳида наряд учун маҳсулот олувчи билан ҳар сафар янги шартнома тузиш керакми?

С.САЛАЕВ,
«Ёггар» ОХЖ директори.

Ишлаб чиқарилган маҳсулотни истеъмолчиларга етказиб бериш қатъий белгиланган наряд асосида чиқариладиган бўлса нарядда кўрсатилган маҳсулотни тақсимида «Ёггар» ҳиссадорлик жамиятининг истеъмолчилар билан тузадиган шартномаси асосида белгиланиши лозим. Яъни, ҳиссадорлик жамияти наряд асосида қимга, қанча маҳсулот етказиб бериши буюртмачи билан ўзаро келишув орқали ҳал этиладиган масала.

Агар юқори турувчи ташкилот берилдиган маҳсулот ҳажмининг ҳар квартал олдиндан белгилаб бериладиган бўлса, маҳсулот олувчи (буюртмачи) билан ҳар квартал олдиндан шу квартал учун шартнома тузиш мақсадга мувофиқ. Истеъмолчи қанча миқдорда маҳсулот етказиб бериш олдиндан маълум бўлмаганлиги сабабли шартномада маҳсулот миқдори наряд асосида белгиланиши тўғрисида, агар бунга маҳсулот олувчи (буюртмачи) эътироз билдирмаса, эслатма киритиш мумкин.

Келгусида низо келиб чиққанининг олдини олиш мақсадида, шартномада берилдиган маҳсулот миқдорини аниқ кўрсатиш керак.

Мен шахримиздаги таъбиот муассасасининг биринчи катта ҳамшира бўлиб ишлар эдим. Баъзи бир сабабларга кўра бош шифокор буйруғига асосан, ариза ёзиб «вақтинча» бошқа ишга ўтказишларини сўрадим. Орадан 6 ой вақт ўтгач бош шифокор қабулгача кириб, ёзган аризамнинг вақти тугади, энди ўз жойимга ўтказилишим деб умидим. Бош шифокор бу тўғрисида оғиз очма деди...

Айтинг-чи, мен вақтинча бошқа ишга ўтказишларини сўраб ёзган аризамнинг мuddати тугач, изгаргани иш жойимни талаб қилишим мумкинми?

Х.КҲИМОВА,
Тошкент шаҳри

Вақтинча бошқа ишга ўтказиш тўғрисида ариза ёзган киши, агар бу илтимосини қилишга ундаган узрли сабаблар тутаган бўлса, аввалги ишга қайтарилиши талаб қилиши мумкин.

Вақтинча бошқа ишга ўтказиш мuddати тугагач, иш берувчи ходимга унинг аввалги ишини бериши шарт (Меҳнат кодексининг 93-моддаси).

● ПРОКУРАТУРА ЁРДАМ БЕРДИ

ИШ ҲАҚИДАН ҚАРЗДОРЛИК УЗИЛМОҚДА

Маълумки, қаерда ҳисоб-китоб ишлари ўз вақтида тўғри олиб борилмаса, меҳнат ҳақлари берилмаса, ўша жойда силжиш бўлмайди. Худди шундай ҳодиса Питнак шахридаги «Туямўйинсувқурилиш» очик акциядорлик жамиятида рўй берди. Бошқарув раиси бўлиб ишлаётган Саъдулла Жумабаев ва бош ҳисобчи Ражаб Ниёзмуродовлар Президент фармонларини ўз вақтида бажармадилар. Жамиятнинг дебитор ва кредитор қарзи бир қанча юзлаб миллион сўмни ташкил этади.

Раис ва бош ҳисобчи ишчилар билан ўз вақтида ҳисоблашишни унутиб қўйганга ўхшайди. 382 нафар ишчи-хизматчи беш ойлаб иш ҳақларини ололмайд саргардон бўлди. Иш ҳақи ҳам оз эмас, 22.370.857 сўмни ташкил этади. Иш ҳақини ўз вақтида ололмаган инсондан нимани кутиш мумкин? Меҳнат унутдорлигини, фаолиятини? Улар тирикчилигини қандай ўтказди?

Бу ишга прокуратура аралашгачина дебитор қарзлари камайтирилди. 10.577.022 сўм иш ҳақи берилиши таъминланди.

Худди шундай ҳолат шу жамиятга қарашли 1-кўча механизациялашган жамланма шўба корхонасида ҳам юз бергани ажабланарли ҳолдир. Дебитор ва кредитор қарзлар ўсиб кетди. 200 нафар ишчи-хизматчига 2001 йил июль ойидан ноябрга қадар 11.865.928 сўм меҳнат ҳақи берилмади. Маъжур ишга ходимларимиз аралашгач, 6 миллион сўмдан кўпроқ меҳнат ҳақи тарқатилди.

Маъжур қонунбузарликлар бўйича жиноий иш кўзгатилиб, раҳбарлар С.Жумабаев, Р.Ниёзмуродов, И.Қуронбоев, Х.Давлетовлар қилмишларига яраша жавоб бердилар.

«Ҳисобли дўст айрилмас, ҳисобини билмаган ҳамёнидан айрилар» дейди халқимиз. Ишимизда унум, оиламизда кут-барака бўлиши учун ҳисоб-китоб ишларини ўз вақтида бажарайлик.

Б.ЎТАРОВ,
Хоразм вилояти прокуратурасининг
бўлим бошлиғи

ФЕРМЕР КРЕДИТ ОЛДИ

Томди туманидаги «Кенесбек», «Рай-ата» ва «Талапкор» фермер ва деҳқон ҳўжаликлари раҳбарлари Б.Назарбеков, А.Каниев, С.Айдарбековлар туман прокуратурасига қилишиб, «Безнесфонд» бўлиmidан 3 йиллик 8 фоизли миникредит олишда овора-ю сарсон бўлишаватганини маълум қилишган.

Тегишривлар чоғида аниқланишича, туман «Пахтабанк» бўлиmidа ҳўжатлаштирилган талабномалар вилоят «Пахтабанк» бошқармасига юборилган. «Безнесфонд» бўлими эса пул йўқлиги учун кредитни ўз вақтида бермаган.

Прокурор аралашувидан сўнг ҳар қайси фермерга чорва моллари боқиш ва маҳсулот етиштириш мақсадида талаб қилинган 500 минг сўм миқдоридаги кредит «Пахтабанк»нинг туман бўлиmidан ундириб берилди.

Эркин РАҲМАТУЛЛАЕВ,
Томди туман прокурорининг
катта ёрдамчиси

● ҚАРОР ВА ИЖРО



ТЕЖАМКОРЛИК — КОНИ ФОЙДА

Ҳаётимизни сув, табиий газ ва электрсиз тасаввур қила олмаимиз. Лекин улардан тежамкорлик билан фойдаланиш ҳақида ҳамиша ҳам қайғуравермаймиз. Юртбошимиз Вазирлар Маҳкамаси йўғилишидаги маърузасида бу борадаги аҳвол қониқарсиз эканлигини таъкидлаб ўтган эди. Юртбошимиз маърузасидан келиб чиқиб сув, табиий газ ва электр энергиясидан оқилона фойдаланиш тўғрисидаги қонунлар ижроси қандай таъминланаётти?

Пойтахтнинг Акмал Икромов тумани прокуратураси томонидан бу борадаги аҳвол ўрганилиб, таҳлил қилиб чиқилди. Муаммоларни ҳал қилиш учун маҳаллаларда юзма-юз мулоқотлар ташкил қилинди.

Суратда: туман прокурори Баҳриддин Турсунов фаолият таҳлиliga бағишланган навбатдаги йўғилиши ўтказилмоқда.

Сурат муаллифи **М.НУРИНБОЕВ**

● ИЛЛАТ

Маълумки, алоҳида шахс тушунчаси ўзига хос сифатлари билан ажралиб туради. Бу ерда «шахс» дейилганда одамнинг маълум бир категориядаги кишилар гуруҳига тааллуқлилиги тушунилади.

Порахўр шахс жиноий-ижтимоий ҳодисанинг бевосита қатнашчиси.

Пора олган шахснинг хусусиятларини таҳлил қилмасдан туриб, содир этилган жиноятнинг моҳиятини очиб бўлмайди. Ўз навбатида порахўрлик билан боғлиқ жиноятнинг характери ва оғирлигини эътиборга олмаб туриб, уни содир қилган шахс ҳақида етарли тасаввурга эга бўлишнинг ҳам иложи йўқ.

ПОРАХЎР ШАХС ТУШУНЧАСИ

Криминология соҳасининг етакчи олимлари Э.Бухгольн, Ж. Лекис ва Р.Хортманлар жиноятчилар (порахўр)нинг шахси тўғрисидаги масалани мулоҳаза қилиш ва уни текшириш аввало у содир қилган қилмишнинг ташқи томонидан бошлаб жиноят билан боғлиқ ижтимоий шартлари ёки сифатларини, мақсади ва ижтимоий ҳаётнинг маълум бир соҳасидаги инъикосини текшириш томон кенгайтириб, чуқурлашиб бориши ҳақида ёзадилар.

Бу борада олиб борилаётган тадқиқотнинг камчилиги шундан иборатки, у жиноятчи онгини ўрганиш, унинг ҳулқи ҳамда турмуш тарзи, жиноятчилар билан алоқалари каби масалалар билан қўшиб олиб борилаётган.

Пора олган шахс оддий шахслар ва бошқа жиноят содир қилган шахслардан жиноят содир қилишга қаратилган хусусиятлари, усуллари ва қарашлари билан фарқ қилади.

Ўшбу жиноятни содир қилган шахслар махсус субъект ҳисобланади ва кўпроқ ўз манфаатларини

ўйлайдилар.

Ҳуқуқшунос олим Ю. Анжоненнинг таъкидлашича, бундай тоифадаги жиноятчилар оддий шахслардан қарашлари ва йўналишлари жиҳатидан ҳам, талаб-эҳтиёжлари даражасининг доираси билан ҳам фарқ қилади.

Порахўр шахс алоҳида ижтимоий-руҳий белгиларга эга бўлиб, улар ўзгалардан манфаатдор бўлишга, улардан пул ёки турли буюмлар олишга қаратилгандир.

Кўпгина ҳуқуқшунос олимлар жиноятчилик, шу билан бирга порахўрлик ҳам гендан ўтади, деб таъкидлайдилар. Лекин бундай олиб қараганда атрофдаги муҳит, жамиятдаги эски тузум қолдиқларининг ҳали ҳам батамом йўқ бўлиб кетмаганлиги, шахсларда ҳуқуқий маданият етарли шакланмаганлиги ва турли хил сабаблар пора олиш ва беришга, пора олиш-беришда воситачилик қилишга ўндайди.

Жумладан, пора берувчи шахс ўзининг иштини тезроқ тугатиш мақсадида порахўрга қанчадир миқ-

дорда пул ёки турли буюмлар беради. Порахўр эса ҳеч иккиланмай ушбу порани олади. Чунки унинг руҳий-биологик омиллари ана шу порани олишга, иложи борича тез-тез ва кўпроқ олишга ўндайди.

Порахўрнинг ҳулқини ўрганилган бўлсак, улар айёр, раҳмсиз, қаттиққул шахслар тоифасига киради. Яъни олаётган пораларини олмагунларича ана шу ҳулқларини ишга солиб турадилар.

Пора олиш жинояти кўпроқ таъмағирликка асосланади. Пора олувчи пора берувчининг манфаатла-

рини қўлаб ўз хизмат вазифасидан фойдаланган ҳолда содир этиши мумкин бўлган муайян ҳаракатни бажариши ёки бажармаслик эвазига моддий бойлик ёки мулкрий фойда олишга ҳаракат қилади.

Таъкидлаш лозимки, кўпгина психолог олимлар жумладан, П. Рудникнинг фикрича, инсон ҳисларининг юздан ортиқ тури бўлиб, уларнинг 30 дан ортиги жиноий ҳаракатлар содир қилишнинг мотиви бўлиши мумкин. Масалан, қаҳр-газаб, нафрат, адоват, гаразғўйлик, кўролмаслик, таҳқирланганлик, ранжу-алам, уятсизлик, қасд ва ҳоказолар.

Порахўрлик жиноятини содир қилувчи шахсда энг кўп учрайдиган мотив шахснинг манфаатларидир. Бундай манфаатларга объектнинг эмоционал жабл қилувчанлиги ва шахснинг махсус муносабати сифатида қараш мумкин.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, пора олувчи шахснинг ҳар томонлама ўрганиш ўз навбатида мансабдорлик билан боғлиқ бўлган жиноятларнинг олдини олишда муҳим рол ўйнайди.

С. НИЁЗОВА,
ҳуқуқшунос

Ривоят қилишларича бир киши донишманд олдига келиб, «нафсдан қандай озод бўлиш мумкин?» дея савол берибди. Донишманд унинг саволига «Нафсни тийиш билан унинг олдини олиш мумкин, зеро нафсдан озод бўлиш жуда мушкул» деб жавоб қайтарибди. «Агар мен бу дунёни тарк этсам-чи?», киши донишмандга яна лўқма ташлабди.

Шунда донишманд «Сен бу дунёни тарк этган тақдирингда ҳам, сенинг ҳоқингда-да нафснинг бар кўриниши сақланиб қолади» деган экан.

Дарҳақиқат нафс ҳақида гапирадиган бўлсак, уни одамзот қон-қонига сингиб кетган бир иллат сифатида баҳолаш мумкин. Лекин у ҳаммада ҳар хил намоеъ бўлади. Бирида кўп, бирида кам. Фақат уни «живовлай» олгангина бундан халос бўлиши мумкин. Аммо айрим шахслар нафсга эрк бериб, «кўза кунда синиш»ни билган ҳолда очқўзлик ва таъмағирлик ботқоқига ботиб қолмоқда. Оқибатда айрим қонунбузарликлар содир этилиб, жамият ривожига салбий таъсир қилмоқда.



Зарбдор туман прокуратураси ҳузурдаги солиққа оид жиноятларга қарши курашиш бўлими текширувига кўра тумандаги «Афросиёб» деҳқончилик ишлаб чиқариш савдо фирмаси фаолиятида 1,5 млн. сўмдан зиёдроқ камомад борлиги аниқланди. Бунда жиноят аломатлари сезилиб, қайта кўриш учун вилоят прокуратурасига оширилди. Вилоят прокуратурасининг топшириғига асосан қўшимча тафтиш қоралари тайинланиб, уни ўтказиш «Хамкор-аудит» аудиторлик фирмаси аудитори Э.Мамараҳимовга топширилди.

Дастлаб текшириш бинойидек кета бошлади. Лекин тафтишчи катта деҳқончилик фирмаси назорати ҳозир қўлида эканлигидан фойдаланиб, фирманing ташқи бошқарувчиси Б.Қораевни қўрқитишга ўтди.

— Камомад жуда катта, қамалиб кетишларинг ҳеч гапмас. Яхшиси, бу ишни ёпишга келишайлик.

Шундай ҳам текшир-текширлардан зада бўлган Б.Қораев охири гапдан бирор наф чиқишини кўзлаб:

— Ҳўжалигимиз ўзи унча катта эмас, ўзингиз бир ёрдам қилиб юборарсиз, — деди.

Тафтишчи бу гапдан кейин у ёқ-бу ёёига қараб олиб, мақсадга ўтиб кўяқолди.

— Бир миллион берсаларинг, ҳамма ишларингни ёлди-ёлди қилиб юбораман.

«Бунча пулни топиб беролмаймиз», деган жавобни эшитган тафтишчи «унда ўзларингдан кўринглар» деган маънода қичиб кетади.

Орадан 3-4 кун ўтиб тафтишчи яна Б.Қораевга учрашади. Бу сафар озроқ пастдан келиб, камроқ таъма қилади.

— Шароитларингизни кўрдим, тўғриласа бўлади. Энди 750 минг сўм ёки 500 «кўки»дан топиб берасиз, мен «терговчига айтиб», ҳаммасини тўғрилайман.

— Сиз айтган пулни ҳозир топиб беролмайман. Уни топишга 3-4 кун вақт беринг.

Тафтишчи унга муҳлат беради. Шундан кейин қаерда кўрса бошқарувчидан «нима қилаясан?», «олиб келдингми?» деб сўрайверади. Қачондир пулнинг келишига ишонган Э.Мамараҳимов аввалги текширувда аниқланган камомадни қалбақлаштириб, даллолатномага рақамларни тенг ярмига камайтириб киргизади. Орадан яна бир кун ўтиб тафтишчи яна Б.Қораевга дуч келади.

— Сешанба кунга пулни етказ, бўлмаса «ишинг чаток», — дейди.

— Майли, ҳаракат қилман.

Ночор аҳволга тушиб қолган Б.Қораев бунча пулни топиш осон эмаслигини аниқлаб, вилоят прокуратурасига ариза билан мурожаат этди.

Б.Қораевнинг келишини кўзи тўрт бўлиб кутаётган Э.Мамараҳимов ниҳоят уни кўриб, ич-ичидан сунони кетди. Уйга киргизиб, эшикни қўзлаб келди.

— Олиб келдингми?

— Ҳа, фақат айтилгандан камроқ, — Б.Қораев шундай деб «пуллар»ни унга тутқазди.

Кўзи пулга тушган тафтишчи шоша-пиша долларни санай бошлади. Қўллари санашда экан, беҳитиёр кўчадан қилларингидир овози эшитилди. Саросимага тушган тафтишчи Б.Қораевга нажот кўзи билан боқиб:

— Улар қиллар? — деб сўради.

— Органнинг одамлари.

— Нима? Аҳ. Сени...

Нафсга эрк бериб, таъмағирликни ўзига касб қилиб олган Э.Мамараҳимов эндиликда таъмағирлиги учун қонун олдида жавоб берадиган бўлди.

Н. ИСЛОМОВ,

Жиззах вилоят прокурорининг
биринчи ўринбосари

Одатда кишининг феълү атвори ҳақида гап кетганда бахсу мунозаралар роса қизийди.

Сабаби, ҳар ким ўз қарчи билан ўлчайди-да. Кимгадир ёққан қилиқ кимнингдир гашига тегиши мумкин. Бироқ жамиятда умумэтироф этилган мезонлар борки, улар кўпчиликнинг қарашларини ифода этади. Одамлар бор — содда, ишонувчан, ҳатто баъзи-баъзида олти ойда битадиган ишини бировлар орқали бир ҳафтада битиришни ҳаёл қилиб қўяди. Одамлар бор — «актёрлик» маҳоратини сахнада эмас, ҳаётда намойиш этиб, бировларнинг пулини шилиб олишни касб қилиб олади. Бировни яхши, ёмон дейиш мушкул масала. Бироқ, ҳар нарсани ўз номи билан атаган маъқул.

ШМИДТНИНГ ШУМЛИКЛАРИ

Тошкентлик Евгений Шмидт деганлари ана шундай иккинчи тоифадаги одамлар сирасидан. Унинг 2000 йилдаги «фаолияти»дан айрим мисоллар келтирсак, бунга ўзингиз ҳам амин бўласиз.

2000 йил ёзида тошкентлик Софья Правдина уйини сотиш тараддудига тушди. Тўғри, «Қуллуг қон»даги Мирзақаримбой лутф этганидек, катта қийматдаги хусусий мулкни сотиш мақбул иш эмас, агар зарурат бўлса бошқа гап. Хуллас, Софья Семёновнанинг ниятидан воқиф бўлган Шмидт ўша кунёқ Ҳамза туманидаги 3.Шамсиддинова кўчаси 43-уй, 20-квартирада ҳозир бўлди.

— Софья опаюн, шунча йиллик танишчилигимиз хурмати, уйингизни сотишга мана мен кўмаклашаман. Аёл бошингиз билан ўзингиз юрасизми? Харидор топиш менга чўт эмас. Бунинг устига уларнинг ҳам кўпи ҳозир фирибгар бўлиб кетган. Эҳтиёт бўлмасак бўлмайди. Танишлардан сўраб кўрай-чи, битта-иккитаси уй керак, дегандай бўлаётувди...

Шмидт Правдинанинг у ёғидан ўтди, бу ёғидан ўтди, харидор бошлаб келишга кўндирди.

Бозор муносабатлари шуки, биров мол сотмоқчи,

бирол мол оломоқчи, даллол шартта иккаласини топиштириб қўяди. Уй олиш ҳаракатида юрган Саидолми Саидов Шмидтнинг сотилажак уй борлиги ҳақидаги таклифини мамнуният билан қабул қилди. Правда-накига бориб кўрганларида уй харидорга маъқул тушиб, олди-сотди тўғрисида оғзаки шартнома тузилди. Шмидт Правдинага нима деган, Саидовга нима деган, — ўзларига аён, фақат шундан кейин улар қайтиб бир-бирларини кўрмадилар. Шмидт эса Саидовдан унинг пули — 1050 АҚШ долларини олиб, қорасини кўрсатмай кетди... Ундан кейинги «томоша»нинг давоми жабранувчининг прокуратурага ёзган аризасида баён қилинган.

Светлана Витяева ҳам Шмидтнинг алдовига учганлардан. Шмидт Витяеванинг кўнглидаги ишни бажаришга, яъни Термиз шаҳрига арзон нархда 1994 йилда ишлаб чиқарилган ВА3-21099 автомашинасини етказиб беришга қодир ишбилармон киши қўёғасига кириб, унинг ишончини қозониб, ҳамир учидан патир сифатида 150 минг сўм пулни олади. Келишилган вақтда на машинадан, на «ишбилармон»дан дарак бўлмагач Светлана пулни рўёга сарфлаганини аниқлаб етди.

Бундан ташқари Шмидтнинг «керакли идораларда танишлари борлиги»га ишониб, ишлаш учун чет элга боришдан хомтама бўлганлар ҳам анчагина. «Бу ўз-ўзидан бўлмаслиги» учун Шмидт И.Никифоровдан 70 минг сўм, 275 минг сўмлик «LG» телевизорни, 100 минг сўмлик «Фунай» видеомагнитофони, П.Витяевдан 130 минг сўм пулни, Ж.Иброҳимовдан 50 минг сўм пулни, А.Филиппенковдан 180 минг сўм пул ҳамда 225 минг сўмлик «Daewoo» телевизорни ва 36 минг сўмлик «Хитачи» видеомагнитофони олади. Шу тарика Шмидт одамлардан олган пул ва молларни санайверсак, кўп қозони қоралашимизга тўғри келади.

Ҳар нарсанинг ниҳоси бўлгани каби Шмидтнинг фирибгарлик фаолиятига ҳам нуқта қўйилди. Жиноят ишлари бўйича Ҳамза туман судининг ҳукмига кўра «Парвоз-бизнес» фирмаси директори Евгений Шмидт ЖКнинг қатор моддалари билан айбдор деб топилди, 11 йилга озодликдан маҳрум этилди. Амнистия актига асосан жазо муддати 1/3 қисмга қисқартириди. Бундан ташқари Шмидт жабранувчиларга етказилган зарарни тўлаши керак.

А. КАРАКЕТОВ,

Ҳамза тумани прокурори ўринбосари

Ўтган ҳафтада пойтахтимиз

Тошкентда ТРАСЕКА ҳукуматларо комиссиясининг иккинчи анжумани бўлиб ўтди. Маълумки, 1993 йилнинг май ойида Брюссель шаҳрида Марказий Осиё ва Кавказ мамлакатлари, Европа Иттифоқи давлатлари томонидан жаҳон иқтисодиётига интеграциялашиш имкониятларини кенгайтириш мақсадида Фарб ва Шарқи боғловчи Европа-Кавказ-Осиё транспорт йўналиши — ТРАСЕКАни барпо этиш масаласи қўриб чиқилиб, декларация қабул қилинган эди. Ўтган вақт мобайнида бу борада салмоқли ишлар амалга оширилди.

● ЎЗБЕКИСТОН ВА ЖАҲОН

варларни очиб денгизда ташвиш ва сув ости кабеллари, трубопроводлар ўтказиш каби фаолиятлар халқаро денгиз ташкилотлари томонидан тартибга солинади.

Аксариyat давлатларнинг «қўшни давлат муаммоси эвазига ўз муаммоларига ечим топиш» сиёсати туфайли анклавлар давлатлар иқтисоди сезиларли зарар кўрмоқда. Транзит нархлар даражаси, транспортда юкларнинг бандаргоҳларга қисқа мuddат ичда етказилиши, унинг қафолатлашиши каби масалалар шулар жумласидандир. Ўзбекистон шундай географик маконда жойлашгани, бирон-бир юртга чиқиш учун транзит тариқада камидан камидан мамлакат ҳудудини босиб ўтишга тўри келади. Бу билан Ўзбекистон географик жиҳатдан ноқулай минтақада жойлашган деган узил-кесил хулоса чиқариш тўғри бўлмайди.

Тарихдан яхши маълумки, қадимда муҳим

Босфор бўғози орқали Ўртаер денгизига, ундан Атлантика океанига чиқиш имконини яратди. 1996 йилга келиб, Ўзбекистоннинг ташқи савдо муносабатларида узоқ хоржий мамлакатлар билан ҳамкорлик қарийб 74 фоизни ташкил этишди мана шу йўлларнинг самараси бекиёсидир. Мамлакатимизнинг биргина Транскавказ (Тошкент—Ашгабад—Бандер Аббос) йўналиши бўйича Форс кўрфазини орқали олиб ўтган экспорт-импорт юклари ҳажми 1996 йили 140 минг тоннани ташкил этган бўлса, кейинги йили бу кўрсаткич 285 минг тоннага етгани фикримизнинг далилидир. Ушбу йўл очилгандан сўнг 1998 йилнинг сентябригача Ўзбекистон билан экспорт-импорт муносабатларини амалга ошириш бўйича ҳамкорлик доирасида 470 миллион АҚШ доллари ҳажмидаги 660 минг тонна ўта эҳтиётсиз юклар ташилган.

«Ўзбекистон Хитой ва Покистонга олиб борадиган Андижон—Ўш—Эргаштом—Қашқар, шунингдек, Бухоро—Серахс—Машҳад—Карачи автомобиль йўлларини қуриш ва қайта таъмирлаш ишларига ҳисса қўшишдан манфаатдордир, — деган эди Президент Исло Каримов. — Бу йўллар Ҳинд океанига чиқариш имкон беради. Ушбу транспорт йўлидан фойдаланиш ЭКО—Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти мамлакатларига олиб бо-

йўлининг тикланиши денгиз йўлига эга бўлмаган мамлакатлар учун Трансевропа ва Трансосий транспорт тармоқлари билан боғланиш имконини беради.

Айни пайтда у айланма йўлларнинг қисқариши ҳисобига иштирокчи мамлакатлар Ўртасидаги экспорт алоқаларини ва ташқи иқтисодий фаолиятини кенгайтириш юзасидан ҳам янги истиқболлар очади.

Очиқ денгиз йўлларига чиқиш борасида ўтган ўн йил ичида салмоқли ишлар амалга оширилди. Бунда Ўзбекистоннинг Евроосий марказида, қолаверса, муҳим йўллар чорраҳасида жойлашганлиги катта аҳамият касб этади.

Мана шу ҳолатнинг ўзидек яқин ва олим истиқболда бутун ташқи иқтисодий фаолиятнинг бош йўли сифатида Евроосий иқтисодий кўпригини ўрнатиш учун барча имкониятларни ишга солишга асос бўла олади.

ТРАСЕКА транспорт йўлига бу маъзур минтақалардаги мавжуд ва қурилажак транспорт тармоқларининг бир бутун мажмуидан иборатдир. Яна шунини алоҳида айтиш жоизки, ТРАСЕКА фақатгина транспорт йўлига лойиҳаси бўлиб қолмай, нефть ва газ қувурлари, алоқа, ер ости кабеллари йўлларини ҳам қамраб олади.

Ўзбекистон ривожланган газ устиди тизимига эга. Бу тизимнинг умумий узунлиги 12 минг километр бўлиб, МДХ газ қувурлари бирлашган тизимига уланадиган тўққизта газ қувурини ўз ичига олади. Бу эса табиий газни кўп миқдорда нафақат Марказий Осиё ва МДХ мамлакатларига, балки Европа мамлакатларига ҳам етказиб бериши таъминлайди. Ҳозирги вақтда Туркменистон—Ўзбекистон—Қозғистон—Хитой ҳамда Ўзбекистон—Афғонистон—Покистон давлатларо магистрал газ қувурларини ўтказиш масаласи қўриб чиқилмоқда.

Халқаро юк ташилишининг йилдан-йилга ўсиб бораётганлиги, жаҳон иқтисодиётининг ривожланиш таҳлиллари янги асрда транспорт магистралларига техникавий, технологик, экологик ҳамда ижтимоий-иқтисодий муносабатни тубдан ўзгартириш лозимлигини кўрсатапти. Шу нуктага назардан Германия, АҚШ, Япония, Хитойнинг теворар йўлларини қуриш тажрибасини ўрганиш ва амалиётда фойдаланиш юқори самара беради.

Хулоса сифатида Марказий Осиё, жумладан, Ўзбекистон учун бу йўллар қандай аҳамиятга эга, деган саволга жавоб берсак. Биринчи галда мамлакатда ишлаб чиқарилган маҳсулотларини жаҳон бозорига тез ва арзон олиб чиқувчи, ўз навабатида, четдан товар олиб келишни енгиллаштирувчи омиллар очилади. Изчил саяё-ҳаракатлар тезда самара берди — янги муқобил йўллар топилди. Хусусан, мамлакат учун Эрон орқали Форс кўрфазига, Ҳинд океанига, Туркия орқали эса Ўртаер денгиз ва Қора денгизга чиқиш, шунингдек, Ўш, Эргаштом, Қашқар орқали эса Хитой, умуман, жануби-шарқий Осиё мамлакатлари билан боғланиш имконияти туғилди.

Айниқса, Европага чиқадиган Туркменистон—Каспий денгизи—Озарбайжон—Грузия йўналиши нафақат Ўзбекистон, балки бошқа кўпжа давлатлар учун ҳам маъжул келди. Бугунги кунда Ўзбекистон бу йўлдан самарали фойдаланмоқда.

ТРАСЕКА ҳукуматларо комиссиясининг иккинчи мажлиси Тошкентда ўтказилгани бежизга эмас. Чунки Буюк Ўш йўлининг Марказий Осиё қисми асосан Ўзбекистон ҳудудидан ўтади. Жанубий қўшимчимиз бўлган Афғонистонда барқарорлик ўрнатилса, минтақа мамлакатларига денгиз йўлига чиқиш учун яна бир қулай имконият очилади. Шу йил февраль ойининг бошида Термиз—Хайратон йўли қайтадан очилди. Агар бу йўналишдаги мунтазам транспорт йўлига ишга туширилса кўпжа муаммолар ечимини топишга шубҳа йўқ.

Жаҳон ва Осиё бозорларига чиқишимиз эса мамлакат экспорт салоҳиятини ошириш билан бирга ўз стратегик мақсадларимизнинг амалга ошишига имкон яратди. Бир сўз билан айтганда, бу жараёнлар Марказий Осиё минтақасида ёш, иқтисодий-сиёсий жиҳатдан қудратли мамлакат — Ўзбекистон Республикасининг дунёга чиқаётганидан далолат беради.

В. ИСМОИЛОВ,
Президент ҳузурдаги
Давлат ва ҳамяят
қурилиши академияси тингловчиси



коммуникация тармоғи ҳисобланган Буюк Ипак йўли айнан Ўзбекистон ҳудуди орқали ўтган. Фарб ва Шарқни боғлаб турган Буюк Ипак йўлининг бир неча йўналишлари Ўзбекистон ерларида туташган.

Шу билан бирга, ҳозирда ҳам Европадан Осиё-Тинч океани минтақасига ўтиш йўли Марказий Осиёда, хусусан, Ўзбекистонда кесишимини айтиш жоиз.

«Ўзбекистон денгиз савдо йўлларига тўғридан-тўғри чиқа олмайди, бу эса ташқи иқтисодий фаолият имкониятларини чеклаб қўяди, — деган эди Президент Исло Каримов истиқлолнинг дастлабки кунларида. — Тарихнинг ўзи Ўзбекистоннинг ўрнини Фарбни Шарқ билан, Жанубни Шимол билан боғлайдиган Евроосий йўллари чорраҳасида белгиланган. Шу маънода давлатларо автомобиль ва темир йўл магистраллари қурилишида иштирокчимиз Ҳинд ва Тинч океанларидаги, Қора денгиз ва Ўрта денгиздаги, Форс кўрфазидagi йирик бандаргоҳларга чиқишимизни таъминлайди».

Океанга олиб чиқувчи йўллар қурилишига алоҳида эътибор қаратган давлатимиз раҳбари мустанқилликнинг дастлабки йилларидаёқ Тажен—Серахс—Машҳад (Трансосий) йўли ҳамда Истанбул—Техрон—Исломобод—Ашгабад—Тошкент—Бишкек—Олмаота халқаро автомобиль йўлини барпо этиш ҳақида битимни имзолади.

Маълумки, савдо-сотик ишлари жаҳон бозорисиз олдинга силжмайди. Марказий Осиё давлатларини Эрон ва Туркия бандаргоҳлари орқали Италияга, ундан Европа ва дунё бозорига олиб чиқувчи янги Трансосий йўналиши — Тажен—Серахс—Машҳад темир йўлининг 1996 йил 13 майда ишга туширилиши бу борада қўлга киритилган жиддий муваффақиятлардан бири бўлди. БевоСИта мамлакатимиз иштирокида бунёд этилган бу йўл Транссибир магистралига нисбатан ҳам қулай, ҳам 1500 километр яқиндир.

Қозғистон, Туркменистон ва Озарбайжон орқали Грузиянинг Поти ва Ботуми бандаргоҳларига чиқадиган транспорт йўлининг ишга туширилиши Ўзбекистон учун, шу жумладан, Марказий Осиёдаги бошқа мамлакатлар учун дунё бозорига элтувчи яна бир қулай воситани юзага келтирди. Мазкур бандаргоҳлар Қора денгиз орқали Дунай дарёсига, темир йўллар орқали Фарбий Европага,

радиган йўлни уч баробар қисқартиради».

Ушбу китъларо магистралларни вужудга келтириш ва йўлларнинг техникавий ҳолатини мустаҳкамлаш ниҳоятга етгач, Ўзбекистон ва Марказий Осиё мамлакатларининг ташқи иқтисодий алоқаларини амалга ошириш учун қулай имкониятлар яратилди. Осиё, Тинч океани минтақаси мамлакатларидан, Ҳиндистон ва Хитойдан Яқин Осиё мамлакатларига, Туркияга, шунингдек, Европа мамлакатларига транзит юк ва йўловчилар ташилиши кенгайтириш учун қулай имкониятлар очилади. Бундан ташқари, Буюк Ипак йўлининг йўналишларига мос бўлган шундай коммуникациялар орқали дунёнинг кўпгина мамлакатлари билан мунтазам маданий, сайёҳлик ва амалий алоқаларни йўлга қўйса бўлади.

Ўзбекистон Хитой ва Покистонга чиқиш имкониятини берувчи Андижон—Ўш—Эргаштом—Қашқар автомобиль йўлининг ишга туширилишига (1997 йил), шунингдек, Ҳинд океанига чиқишнинг яқин йўлларидан бири Термиз—Хирот—Карачи автомобиль йўли қурилишига улкан ҳисса қўшди.

Ўзбекистоннинг жаҳон ҳўжалик тизимидаги мавқеи, унинг ташқи иқтисодий алоқалари ривож мамлакатимиздан транзит юкларининг қанчаллик кўп олиб ўтилишига бевоСИта боғлиқдир. Темир ва транспорт йўлларининг тақомиллашиши, денгиз йўлларига чиқишнинг ўнғай бўлиши дунё савдосида тутадиган мувақимизни белгилабгина қолмай, келажак тараққиётимизга ҳам ўз таъсирини кўрсатади.

Қамчиқ довоидаги гигант қурилишдан хабаримиз бор. Мазкур йўл қурилишдан водийга транспорт қатновини яхшилаш билан бирга улкан стратегик мақсадлар ҳам кўзда тутилган, чунки бу — халқаро аҳамиятга молик магистралдир. Бу магистрал Андижон, Ўш орқали Хитойнинг Шинжон вилоятига, ундан эса Қашгар орқали Тинч океанига, ундан Яқин Шарқ ва Жанубий Европа мамлакатларига, шунингдек, Қирғизистон, Афғонистон ва Ҳиндистон орқали Ҳинд океани ва араб мамлакатларига, Фарбдан эса Туркменистон, Кавказ, Эрон ва Туркия орқали Ўртаер денгизга чиқиш имконини берувчи ТРАСЕКА лойиҳасининг таркибий қисмидир.

ТРАСЕКА лойиҳаси асосида Буюк Ипак

ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА

Маълумки, айна пайтда ҳам сеvimли нашрларингиз бўлган «ҚОНУН ҲИМОЯСИДА» журнали ҳамда «ХУҚУҚ» газетасига жорий йилнинг II ярми учун обуна давом этмоқда.

Тахририят жамоаси газета-журнал ходимлари учун нияҳяда масъулиятли бўлган ана шундай бир даврда бизни қўллаб-қувватлаётган корхона-ташкilotларга, нашрларимизнинг доимий зукко ўқувчиларига ўз миннатдорчилигини билдиради.

Эслатиб ўтамиз, республикаимизнинг шаҳар ва қишлоқларидаги исталган алоқа бўлимлари орқали «ҚОНУН ҲИМОЯСИДА» журнали ва «ХУҚУҚ» газетасига обуна бўлишингиз мумкин. Ушбу масалага эътибор қаратишимизнинг сабаби, айрим ташкilot ва корхоналар нашрларимизга обуна бўлиш учун бевосита тахририятимизнинг ҳисоб рақамига пул ўтказмоқдалар. Бундай йўл билан обуна бўлиш эса муайян чалкашликларни келтириб чиқариш билан бирга Сизга нашрларимизни етказиб бериш имконини ҳам йўққа чиқаради. Шундай экан, нашрларимизга обунани фақат алоқа бўлимлари орқали расмийлаштиришни унутманг!

«УМИД НИХОЛЛАРИ — 2002»

«Зангори экран» қаршисида ҳар галги Олимпиада ўйинлари очилишини, ундаги спортга унчалик ишқибоз бўлмаган одами ҳам ром этадиган қизгин мусобақаларни томоша қилиб, ўзимизда ҳам шундай Тинчлик ва Дўстлик байрами ўтказилишини орзу қилганмиз. Жаҳон стандартлари даражасида таъмирланган Фарғона шаҳридаги стадионда мактаб ўқувчилари ўртасида «Умид ниҳоллари» республика спорт мусобақалари очилишини томоша қилиб ўтириб, бу бекиёс байрамнинг юртимизга кириб келиши муқаррар Олимпиада шон-шухратининг дебочаси бўлиб қолишига имон келтирдик.

Ушдақилар яқинлашгани сайин ўйингоҳни тўлдирган, барча вилоятлардан ташриф бурган навқирон спортчилар, уларнинг устозлари, меҳмонлар, томошабинларнинг ҳаяжонлари бир-бириникидан ўтади. Вилоят ҳокими А.Отабоев анжумани очиб деб эълон қилгач, сўз Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Т.Рисқиевга берилди. У юртбошимиз Ислоҳ Каримовнинг «Умид ниҳоллари» спорт байрами қатнашчиларига табриқини ўқиб эшиттирди. Шундан сўнг дилларни ифтихорга лиммо-лим тўлдириб Ўзбекистон мадҳияси янгради. Майдонга спортнинг ўн бир тури бўйича биринчи марта ўтказилаётган «Умид ниҳоллари» мусобақалари чемпиони бўлиш орзусидаги барча вилоятларнинг вакиллари чиқиб келишди. Ёш спортчиларнинг қасамеди юртимиз шухратини дунёга таратишлари беғумонлигидан дарак беради.

«Универсиада», «Баркамол авлод» спорт мусобақаларидан кейин ўтказилаётган «Умид ниҳоллари» юртимизда ёш авлоднинг ҳар томонлама баркамол ўсиб-ўлғайишига нақадар катта эътибор берилаётганини намоён эътиди. Маънан ва жисмонан етук инсонларни тарбиялашнинг бу яхлит тизими ўқувчи ва талаба ёшларни мафтункор жозибаси билан ўзига жалб этмоқда. «Умид ниҳоллари»нинг туман, шаҳар, вилоят босқучларида бир миллиондан зиёд мактаб ўқувчилари ўз куч ва маҳоратларини синаб кўрдилар. Энг муҳими, уларнинг жисмоний тарбия ва спорт машғулотларига қизиқишлари чандон ортди.

Уларнинг энг саралари Фарғонанинг аjoyиб спорт иншоотларида голиблик учун беллашадилар. «Умид ниҳоллари»дан ўсиб чиққан чемпионлар «Баркамол авлод», «Универсиада» мусобақаларида тобланиб, энг катта орузлари, мақсадлари халқаро мусобақаларда, Олимпиада ўйинларида голиблик шохсупаларини эгаллашга интиладилар, юртимиз шон-шухратини дунёга таратадилар.

«Универсиада», «Баркамол авлод» спорт байрамлари эса қоларли ўтган эди. Бу-



гунги спорт байрами янада жозибалироқ, янада мукамалроқ ўтиши учун ташкilotий қўмита катта тайёргарлик кўргани майдонкор Ватанимизни улғулоччи, унга меҳр-муҳаббат туйғуларини тоширувчи узлуксиз, бир-бири билан бевосита боғлиқ қўшлар, рақс-лар, навқирон спортчиларнинг намунали чикишларида намоён бўлади.

Нихоят стадионга «Умид ниҳоллари» машъаласи олиб юрилди. Олимпиада машъаласига ҳамонан тарзда ўйингоҳда ўрнатилган, гулбаргари очилган ёш ниҳолни эслатувчи машъала гуркирайди.

— Сен ҳам яна бир йилдан кейин ана шу акаларинг каби мусобақада қатнашсан, — дейди Фарғона электр тармоқлари корхонаси бошлигининг ўринбосари Эргашали Бобоев қувониб, оловдан кўз узолмай турган ўғлига.

— Чемпион бўлман, — дейди болакай ҳозиржаволиқ билан. Тўғри, чемпионлик ҳаммага ҳам насиб

этавермайди. Бироқ миллионлаб болаларнинг дилида ана шу эзгу мақсадга интилишни уйғотган олов ёлқинлари уларни барча соҳаларда юксакликка даъват этишининг ўзи бекиёс аҳамият касб этмайдими?!

Фарғона шаҳри ва вилоятидаги энг яхши ўйингоҳларда беллашувлар, мусобақалар қизгин тус олди. Кураш бўйича умумкоманда ҳисобида Қашқадарё вилояти биринчи, Сурхондарё вилояти иккинчи ва Хоразм вилояти учинчи ўринларни эгаллашди.

Сузиш бўйича ўтказилган беллашувларда эса Тошкент шаҳри биринчи, Навоий

ШОН-ШУХРАТ ДЕБОЧАСИ

вилояти иккинчи, Фарғона вилояти учинчи ўринларни эгаллашди.

Енгил атлетика бўйича 100 метрга югуришда йилгилар ўртасида В.Гинатулин (Тошкент шаҳри) биринчи бўлган бўлса, қизлар ўртасида А.Схарова голиблик шохсупасига эришди. Ядро улоқтириш беллашувларида фарғоналик У.Файзиматовга тенг келадигани топилмади.

Шунингдек, спортнинг бошқа турлари бўйича ҳам саралаш мусобақалари қизгин, муросасиз кураш руҳида ўтди. Иштирокчилар ва спорт ишқибозлари мусобақа юқори даражада ташкил этилганини эътироф этишди.

Исроил ИБРОҲИМОВ, «Хуқуқ» муҳбири

P.S. Мухбиримизнинг Фарғонадан хабар қилишича, 30 апрель кун «Умид ниҳоллари» мусобақаларига ақун ясалди.

ДОНОЛАР демтишки...

ҲИКМАТЛАР

- ✓ Раҳмдиллик ва инсофлик ҳақиқий инсон хислатидир.
- ✓ Кимки эл учун ҳимматиши оширса, эл ичида иззати тўлиб тошади.
- ✓ Манманлик жийовини бўш қўйсан киши хорлик оловидан куяди.
- ✓ Кимки илм уругини сепса, улуглик мевасини теради.
- ✓ Кимки яхшилик уругини экса, муҳаббат мевасини теради.
- ✓ Кимки мулойимлик уругини сепса, саломатлик мевасини теради.
- ✓ Бадфевъликдан қочган киши тошшидан узоқлашади.
- ✓ Ҳақиқий шодлик — содиқ дуст ўзини кўриши.
- ✓ Оқил кишининг қалбини сирлар сандиги деб билгин.
- ✓ Инсон фазилатини оширувчи ёқимли хулқлардан бири — тўғриликдир. Яна бири, омонатга хиёнат қилмаслик ва ҳар бир ишда ҳаё ва уятни қўлдан бермасликдир. Олий хислатларнинг қолгани — мулойимлик, ширинсўзлик, шафқат, меҳрибонлик, ифрат ва олижанобликдир.
- ✓ Ўз иши ва касби билан ўзини кўрсатмай, ота-онанинг иши ва амали билан мақтанадиган йиғит ҳақиқий йиғит эмас.
- ✓ Баъзан шундай ноқоил ҳам учрайдики, уйландими, бас, февъи ўзгаради, ота-онани хор қилади, берган бир нарча нонини ҳам заҳарга айлантиради.
- ✓ Бағъилар тўқиди ва бадавлат пайтларида фақат тилёғлама кишиларингизга кўрадилар, аччиқ панду насихатлар қилувчи қариндош-урулардан юз ўгириб, бутунлай воз кечадилар.
- ✓ Покиза киши ҳамisha шодлик устиди, нопоқлар эса ғам ва қайғу остиди.

«Муктафоти адабийла» китобидан

Шартли ном	→				Кимёвий элемент	Қурилиш материали	Кўёш
			⇒ Шол		⇒ ...нинг қилчи	↓	↓
			⇒ Козоқ адаби		⇒ Аньана		
	↑	↓		⇒ Яқин дўст	⇒		
	⇒	↓	Майдон	⇒	Инсон		
		⇒	Садақа	⇒	Оқ-қора		
		⇒	Уя	⇒	Спорт	Пул бирлиги	Чўнтак
↓	↓	⇒	Нота	⇒	Таг		
Ночор, кашшоқ	Хоризм фирми Мансаб		Кир	⇒	Дисней	Танча	
		⇒	Монголоид	⇒	Тасма		
		⇒	Сургул	⇒	Физик олим		Хурсанд
		⇒	Аслзода	⇒	Мева		
		⇒	Ичиллик	⇒	Тўқма (Тош.)		
		⇒	Транспорт тури	⇒	Автомобил		
		⇒	Шоҳ	⇒	Мақсад		
		⇒	Вилоят	⇒	Вилоят		
		⇒	Йўқ сон	⇒	Бошлиқ		Шеъринг
		⇒	Кўшиқ	⇒			Яқин шаҳар
		⇒	Йилнома	⇒			

Тузувчи: Ф. МАМАШАРИПОВ

Моҳият
Дунё сафоси
билан, дўст вафоси
билан гўзал.

ДИҚҚАТ, ҚИДИРУВ!

Қўрғонтепа туман прокуратураси томонидан 2001 йил 2 ноябрь кун соат 11.00 лар чамасида тумандаги «Истикбол» ширкат ҳўжалигининг «Ободон» маҳалласидан оқиб ўтувчи «Шаҳрихонсой» каналдан Осие миллатига мансуб, ёши тахминан 45-55 ларда бўлган эркак кишининг жасади жароҳатларсиз топилганлиги юзасидан суриштирув ҳаракатлари олиб-борилмоқда.

Дастлабки суриштирувларга қарамай, номаълум шахснинг кимлигини ва яшаш жойини аниқлаш имкони бўлмаган. Шахси номаълум жасаднинг белгилари: бўйи 155-160 см., бош ва юзи думалоқ, сочлари қора, оқ оралаган, узунлиги 10-12 см., бошининг юқори қисмида сочлари йўқ (тепакал), пешонаси кенг, қошлари қалин ва қора, соқоли ва мўйовлари 1 см. узунликда ўсган бўлиб, сарғиш рангда, оқ оралаган, кўзи жигарранг, юқори жагининг ўнг томонида 2 та, чапида 5 та, пастки жагининг ўнг томонида 1 донга тиши бор.

Эғида оқ рангли майда йўллари бор костюм, кўкрак қисмида «Samta» ёзуви, чап томонида замоки чўнтаги бор жигарранг енг и узун эркалар қўйлаги, жигарранг вилвет хинси шими, ичида кўк рангли спорт шими, қора рангли плавка, оёқларида ён қисмида замоки бўлган қора рангли туфли ва жигарранг қалин қишки пайпоқлари бор.

Қўрғонтепа туман прокуратураси томонидан «Дардоқ» ширкат ҳўжалигининг «Қирлик» кўчаси 51-уйда яшаб келган, 1934 йилда туғилган Мўйдинов Улмасвой 2001 йил 30 май кун и уйдан чиқиб кетиб, қайтиб келмаганлиги ҳолати бўйича суриштирув ҳаракатлари олиб-борилмоқда. Дастлабки суриштирувларга қарамай У.Мўйдиновнинг тақдирини аниқлаш имкони бўлмаган. Бедарак йўқолган У.Мўйдиновнинг алоҳида белгилари:

бўйи 160-165 см, сочлари оқарган, мўйлови бор, икки қўлини ордасига қўлиб, ерга қараб энгашиб юради, қорин қисмида операциядан қолган чандиқ излари бор, тили чучук, қўлоғи яхши эшитмайди.

Эғида милиция ходимларининг кўк рангли қўйлаги, шими, оёғида этик бўлган. Юқоридagi ҳолатлар бўйича бирон-бир маълумотга эга кишилардан ИИБ идораларига ёки 3-15-51 рақамли телефон орқали Қўрғонтепа туман прокуратурасига хабар беришларини сўраймиз.